*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2016 йил 15 март • сешанба № 11 (1007)

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz | www.insonvaqonun.uz | www.insonvaqonun.adliya.uz

Тадбир

## “Ҳамма гап имкониятда”

### китоби тақдимоти бўлиб ўтди




**ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Халқ таълими вазирлиги ҳамда ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга бағишланган “Ҳамма гап имкониятда”, деб номланган болалар учун мўлжалланган рисола тақдимоти бўлиб ўтди.**

Мазкур рисола болалар учун айнан болалар иштирокида ёзилган бўлиб, ногирон болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция қоидаларининг талқинига бағишланган. Яъни, мазкур конвенциянинг моҳияти, ногирон болаларнинг ўз олдига қўйган орзу-мақсадларига эришиш йўлида бошқалар билан тенг имкониятларга эга эканига ишонч ҳосил қилишларига қандай ёрдам бериш зарурлигини мутолаа асносида ўрганиш мумкин.

Тақдимот давомида мустақиллигимизнинг илк йилларидан давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари Ўзбекистон имзолаган ногиронлар ҳуқуқларини таъминлаш бўйича халқаро стандартларни қонунчилик ва амалиётга имплементация қилишга қаратилган фаолият амалга оширилаётгани қайд этилди.

Жумладан, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимидаги қатор чора-тадбирлар билан бирга, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасидаги ислоҳотларни кўзда тутувчи мухсус чораларнинг амалга оширилиши натижасида чақалоқлар ўлимининг камайгани эътироф этилди.

Шу билан бирга сўнгги 15 йил давомида 5 ёшга тўлган 1000 нафар тирик туғилган болалар ўлимини 24,3 дан 12 гача пасайтиришга эришилди. Вазни етарлича бўлмаган 5 ёшгача бўлган болаларнинг сони 3,8 фоиздан, 1,6 фоизгача камайгани ва бунга тиббий ёрдам сифати яхшиланганлиги ҳамда тиббиёт ходимларининг малакаси, ота-оналарнинг болани парваришлаш тўғрисидаги кўникма ва билимларининг ошганлиги сабаб бўлганлиги таъкидланди.

**Дилфуза ЭРГАШЕВА,**
**“Инсон ва қонун” мухбири**

Бунёдкорлик

**БУ ЙИЛ халқимиз мустақиллигимизнинг 25 йиллигини зўр тантана билан кутиб олади. Кўҳна тарих учун 25 йил — чорак аср киприк қоқгулик давр. Салкам чорак асрда юртимизда улкан ишлар қилинди. Буни бугун дунё эътироф этмоқда.**



# “Ким эдигу, ким бўлдик?”

## Президентимизнинг бу сўзлари барча ўзбекистонликлар қалбида акс-садо бермоқда

Бугунги кунда дунёда иқтисодий инқироз давом этаётган бир даврда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг 8 фоизга ўсиши дунё иқтисодчиларини ҳайратга солмоқда. Улар бугун ўз сармоялари билан Ўзбекистонга интилмоқда.

Жорий йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатларини 7,8 фоизга таъминлаш, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 8,2 фоиз, қишлоқ хўжалигида 6,1 фоизга ошириш, чакана савдо айланмасини 14 фоиз, хизмат кўрсатиш ҳажмини 17,4 фоизга кўпайтириш вазифаси қўйилган.

Бу ютуқларга мамлакатимиз осонликча эришгани йўқ. Не-не суронли кунларни бошдан кечирмадик, дейсиз. Биринчи навбатда, давлат раҳбариятининг олдида юрт тинчлиги ва осойишталигини сақлаш, аҳолини оғир шароитда озиқ-овқат билан таъминлаш, ички ва ташқи душманлардан асраш эди.

Ёши катта авлод буни яхши билади. Сариосиёдаги воқеалар, динни ниқоб қилган ички душманлар, юртга хиёнатлар... Айтсак гап кўп.

Бу гапларни ёзишдан мақсад ёшлар яқин тарихни билсин деймиз.

Президентимиз таъкидлаганидек, **“Мен аввалambор, ёшларимизга қарата айтмоқчиман: ўқинг, тарихни ўрганинг, тарихини, ўтмишини билган одам келажакда адашмайди”.**

Мустақиллик ўз-ўзидан қўлга киритилмаган. Уни асраш учун не-не йигитлар жон фидо қилмади, дейсиз. Бу кунларга етишнинг ўзи бўлган эмас.

**Ҳақиқатан ҳам, яқин ўтмишда четдан кимларгадир ялиниб, катта-катта маблағлар эвазига дон олиб келадиган, ҳатто бир ҳафта-ўн кунга етадиган ун захираси қолган оғир кунларни бошидан кечирган Ўзбекистон бугунги кунда 31,5 миллиондан зиёд аҳолисини нафақат ғалла билан таъминлаётган, керак бўлса, уни экспорт қилаётган мамлакатга айлангани барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди.**

**Бу йил етиштирилган ғалла ҳосилининг 57 фоиздан кўпроғи, яъни 4 миллион 210 минг тоннадан ортиғи фермер хўжаликлари ва аҳолининг ихтиёрида қолдирилганини қишлоқ аҳлининг омборлари донга, хонадонлари қут-баракага тўлаётгани, моддий манфаатдорлиги ортиб бораётганининг амалий тасдиғи сифатида қабул қиламиз...**

**...Айнан мана шу ҳолатларни қиёслаганда, юрагимиздан ўтказганда, ўйлайманки, ҳар қайси одам “Ким эдигу, ким бўлдик?”, деган ҳаётий ҳақиқатнинг чуқур маъносини такрор ва такрор англайди, мустақил тараққиётнинг тўғри йўлини танлаб олганимиз, халқимизнинг фидокорона меҳнати Ўзбекистонимизни бугунги кунда ўзгалар ҳавас қиладиган босқичга кўтариш учун ҳар томонлама асос бўлаётганига ишонч ҳосил қилади,** дея таъкидлайди Юртбошимиз.

Мустақилликнинг илк йилларида юртимиздаги кўпгина журналистлар Ҳиндистон, Америка ва Россияга малака оширишга юборилди. “Туркистон” газетасининг бир гуруҳ журналисти “Комсомольская правда” газетасига юборилдик. Ўша пайтларда Москвада ҳам ҳаёт фаровон эмасди. Дўконларнинг пештахталари бўм-бўш эди. Уларнинг ёнида фақат Россиянинг қора картошкасидан бошқа ҳеч вақо йўқ. Таҳририятдаги бир йиғилишда ўша ерлик журналист бизга қаттиқ гапирганди. “Энди қандай яшайсизлар? Пахтангизни ҳеч ким олмайди. Қўшниларингга ўхшаб (афғонларга ўхшаб демоқчи) пахта ўрнига наша экасанларми? Оқ иштон кийиб, бошда салла, елкада автомат билан юрасанларда. Ким сизларни ҳимоя қилади. Энди билиб қўйинглар сизларни ҳимоя қиладиган СССР йўқ”, деганди. Ит ҳурар, карвон ўтар деганларидай бу гаплар тарихда қолди.

Вақт келди. Миллатимиз қаддини ростлаб олиб, тенглар ичида тенг бўлди. Биз уларга давлат сифатида давлат, миллат сифатида миллат эканлигимизни кўрсатиб қўйдик.

Давлатимиз раҳбари бу ҳақда куюниб гапирар экан, нафақат яқин тарихимиз, балки ўтмишимизнинг бошқа даврлари ҳақида ҳам ҳаққоний фикрлар билдиради, тарихимизда рўй берган аччиқ ҳақиқатлардан барчамизни яна бир бор огоҳ этади:

**“Тарихимиздаги оғриқли даврлардан ҳам хулоса чиқариб яшашимиз керак. Эртага бизнинг ўрнимизга келадиган ёшлар ана шу тарих ҳақиқати билан қуролланиши лозим. Чунки ҳеч бир соҳада ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодгина буюк давлат барпо этиши мумкин. Нега деганда, буюк давлатни қуриш учун маърифатли, тарихни биладиган, ундан сабоқ чиқара оладиган одамлар керак”.**

**ЎРИККА ҚАДАЛГАН БОЛТА**

1976 йил Жиззах вилоятининг Зафаробод туманида нашр қилинадиган “Зафаробод тонги” газетасига мухбирликка қабул қилиндим. Эрталаб бош муҳаррир чақириб: — Файзулла Хўжаев савхозида Адҳам Рўзиев деган бригадир бор. Ғўзаларининг ўсиши яхши экан. Ўтган йил режани ортиғи билан бажарган. У ҳақда мақола ёзиб келасиз, — деди. Фотомухбир билан қаҳрамонимизни излаб хўжаликка бордик. Суратқаш суратга олди. Мен мақолага далилларни йиғдим. Кетаётганда қаҳрамонимиз менга бир савол берди.

— Нима учун бу чўлга келдингиз? Чайлада чивинга таланиб мазза қилаяпсизми демадингиз-ку, — деди.

— Қалб амри билан чўлга келган бўлсангиз керак, — дедим.

— Йўқ, — деди. Сўнг гапни бошлади.

— Асли Андижонданман. Оилада 4 ўғил 3 қиз эдик. Қизлар уйли-жойли бўлиб кетди. Битта ҳовлида уч акам оиласи билан. Мен ота-онам билан яшардик. Ҳарбий хизматни ўтаб келгач ҳовлининг озгина жойида бир уй билан даҳлиз қуриб, кейин уйланмоқчи эдим. Бу хабарни эшитган катта акам ғазабга миниб, “у ерни ўғлимга атаб олиб қўйганман. У ерга уй солмайсан”, — деди-да уйдан болтасини олиб чиқиб ўрикка урди. Уй соладиган бўлсанг... Отам билан онам йиғлаб юборди. Эрталаб колхоз раисининг ёнига бордик. Томорқа сўрадик.

— Ўзим 3 нафар укам билан битта ҳовлида яшайман. Икки йил олдин 5 оилага томорқа бергани учун раис 8 йилга қамалиб кетди. Яқинда қамоқда ўлибди. Қўшни колхоздан эди. Эшитмадингларми? Сен мендан томорқа сўрагунча жон сўрамайсанми? Ёки менинг ҳам қамалиб кетишимни истайсанми? Давлатнинг сиёсатидан бехабармисан? Москва биздан фақат пахта сўраяпти. Одамлар адолатсизликлардан ўз қонига ташна бўлган. Кимдир озгина учқун чиқарса ҳамма томон ёнади. Сен томорқа дейсан. Мен нима қилай? Отам индамади.

2 ▶

Амалиёт ва тажриба

# Фуқаролик жамияти институтлари:

## Юксак ижтимоий онг ва жамоатчилик назорати

**ЯНГИ жамият, ҳар томонлама юксак ривожланган давлатни барпо этиш сингари муайян ва аниқ мақсадни кўзлаб, шу йўлда олдинга одимлаётган халқимизнинг тафаккурида, дунёқарашида жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Натижада мустақил фикрлайдиган, мамлакатимизда ва дунёда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга, тез ўзгариб бораётган дунёнинг сиёсий манзарасига онгли муносабатда бўладиган қатлам вужудга келди. Жамият аъзолари лоқайдлик ва бепарволикдан узоқлашди. Инсон ва жамият, давлат ва фуқаро ўртасидаги муносабатларда кескин бурилишлар кузатилмоқда.**

Кенг жамоатчиликнинг ижтимоий онгида рўй берган, мазкур ижобий тенденциялар ижтимоий ҳаёт шиддат билан ўзгараётган айни замонда амалий аҳамият касб этиб, кўп бора давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилаётган **“давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга ошириш”** яъни, “жамоатчилик назорати” институтининг самарали ишлашига асос бўлаяпти.

Асосий қонунимизнинг 32-моддасига киритилган тузатишларга мувофиқ давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати институти халқ ҳокимиятининг муҳим элементи сифатида конституциявий мақомга эга бўлганлигини Президентимиз Конституциямиз қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимда **“Асосий вазифамиз — жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат”** мавзуидаги маърузасида алоҳида таъкидлаб ўтди.

Дарҳақиқат, Конституциямизнинг 32-моддасида бу муҳим норма қуйидагича баён этилган. **“Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш, шунингдек давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан амалга оширилади”.**

Шу ўринда алоҳида аҳамият қаратиш жоизки, Асосий Қомусимизда Ўзбекистондаги демократик ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини белгилаб берадиган “фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги иштироки” масаласи “жамоатчилик назорати” институти орқали амалга оширилиши белгиланиб қўйилмоқда.

Ҳуқуқий демократик давлат ва кучли, очиқ фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида таъсирчан жамоатчилик назорати ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга институт ҳисобланади. Жамият ва давлат ҳаётида мазкур институтнинг борлиги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг демократлашувидан, шаффофлиги ошишидан далолат беради. Энг муҳими, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари қонун доирасида фаолият юритишига ижобий таъсир кўрсатади. Демократик принциплар асосида ривожланаётган давлат ва жамият ҳаётида ижтимоий адолат тамойили таъминланишига асос бўлади.

Таъкидлаш жоиз, бугунги кунда Ўзбекистонда жамоатчилик назоратини амалга ошириш бўйича ижобий амалиёт шаклланди. Ва бу амалиёт жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг бир нечта шаклларининг вужудга келишига сабаб бўлди. Бу нималарда намоён бўлмоқда? Масалага амалиётдан келиб чиқиб ёндашиладиган бўлса, жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг барча турларида мамлакатимиздаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ҳал қилувчи аҳамият касб этаётганлигини кўриш мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари орасида жамоатчилик назоратини амалга оширишда катта имкониятга эга бўлган субъектлардан бири **оммавий ахборот воситалари** бўлиб ҳисобланади.

Жамият ва давлат ҳаётига тааллуқли бирор бир масала ёки муаммо юзасидан жамият аъзоларининг турли-туман қарашлари, фикр-мулоҳазалар айтиладиган, муносабати билдириладиган, беозор баҳслашиладиган мунозара майдони ёки минбари турган гапки оммавий ахборот воситаларидир. Аслида, оммавий ахборот воситаларининг дунёга келишидан, инсоннинг фаолият турларидан бирига айланишидан бош мақсади ҳам шу, яъни одамларнинг теварак-атрофда кечаётган воқеа ва ҳодисаларга нисбатан жамоатчилик фикрини уйғотишдан иборат. Матбуотнинг барча жанрлари ҳали-ҳануз айни мана шу мақсадга хизмат қилиб келади. Кенг жамоатчилик ўртасида хабар тарзида тарқаладиган барча маълумотлар сабаб ва оқибат баёнида кенг ва чуқур таҳлилий муносабатга муҳтож бўлади. Ана шундай ҳар жиҳатдан чуқур таҳлил қилинган материаллар одамларда тўғри таассурот уйғотиб, воқеликка нисбатан интеллектуал онг йўналишини белгилайди.

3 ▶

*“INSON va QONUN”* ҳуқуқий газетасига обуна бўлинг!
Обуна индекси – 137. website: minjust.uz
e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz Тел/факс: 268-19-97

*“HUQUQ va BURCH”* ижтимоий ҳуқуқий журналига обуна бўлинг!
Обуна индекси – 902. website: huquqburch.uz
e-mail: info@huquqburch.uz Тел/факс: 268-27-35

*“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”* ҳафталик расмий нашрига обуна бўлинг!
Обуна индекси – 949. website: adolatnashr.uz
e-mail: adolatnashr@minjust.gov.uz Тел/факс: 268-28-45

*“Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами”* расмий нашрига обуна бўлинг!
Обуна индекси – 916. website: adolatnashr.uz
e-mail: adolatnashr@minjust.gov.uz Тел/факс: 268-28-45

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг **www.adliya.uz** расмий веб-сайти орқали Сиз фаолиятга оид батафсил маълумотлар билан танишишингиз мумкин.*

# “Ким эдигу, ким бўлдик?”

**Президентимизнинг бу сўзлари барча ўзбекистонликлар қалбида акс-садо бермоқда**



(Давоми.
Боши биринчи бетда)

Сўнг армиядан кўтариб келган чамадонга кийимларни солиб бу ерларга келдим.

**Ҳақиқатан ҳам, пахта яккаҳокимлиги шу қадар авжга чиққан эдики, мана шу Андижон вилоятидек аҳоли зич яшайдиган ҳудудда экин майдонларининг 88 фоизини ғўза эгаллаб олган эди. Ўша машъум кунларни сизларнинг кўпчилигингиз яхши эслайсиз. Албатта.**

**Бундай сиёсат совет давлатининг ўзи қандай ноҳақ, зулмга асосланган ва мустабид тузум бўлганини яна бир бор кўрсатди. Мен ўша даврни нафақат оддий одам, балки раҳбар сифатида ўз бошимдан ўтказганман. Шунинг учун бу тузумнинг барча иллатларини яхши биламан,** дея таъкидлайди Президентимиз.

Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий вазият таранглашди. Кўп ўтмай Фарғона воқеалари, Бўка ва Паркент туманларида халқнинг очиқдан-очиқ норозиликлари рўй берди.

Юртбошимиз томонидан 1989 йил 17 августда **“Қишлоқда яшовчи ҳар бир оилани томорқа билан таъминлаш, уларга якка тартибда уй-жой қуриш учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш ҳақида”**ги Қарор қабул қилинди. 1990 йилнинг ўзидаёқ шахсий томорқа хўжаликлари учун 205 минг гектар ер ажратилди. Бу юртимиз ҳаётида янги давр бошланаётганининг нишонаси бўлди. Ажратилган ерларда минг-минглаб янги уйлар қурилди. Янги кўчалар, маҳаллалар, гузарлар пайдо бўлди.

— Бир ҳовлида тўрт хўжалик яшар эдик, — деб эслайди фарғоналик Озод Исроилов. — Район раҳбарларига алоҳида ер сўраб, бир неча марта мурожаат қилганимиз беҳуда кетди. Уйимиз ён-атрофида бепоён пахтазор, лекин уй қуриш учун бир парча ерга рухсат йўқ. Ўзимиз пахта экиб юрган далада бир йил ичида янги маҳалла пайдо бўлди.

1993 йил “Комсомольская правда” газетасининг 12 февраль сонида газета мухбири саволига берган жавобида Президентимиз бир фактни келтиради: **“Ўзбекистонда бир киши ўзининг иш ҳақи билан олти-етти кишилик оиласини боқади. Россияда бундай эмас. Айтмоқчи, Россия аҳолиси 70 минг кишига камайди. Бизда эса 550 мингга киши кўпайди”.**

СССР деган улкан мамлакат парокандаликка юз тутгандан кейинги даврдаги ҳақиқий манзара ана шундай эди.

Президентимиз — Ўзбекистонда томорқа ҳаёт-мамот масала эканини билганди.

1998 йилга келиб шахсий томорқалар учун ажратилган ер майдони 550 гектардан ошиб кетди. 700 минг оила томорқали бўлди.

Йиллар ўтиб, Президентимиз жасорати ўз мевасини берди. Хусусан, 2015 йилда 12 миллион 592 минг тонна сабзавот ва картошка, 1 миллион 850 минг тонна полиз маҳсулотлари, 1 миллион 556 минг тонна узум, 2 миллион 731 минг тонна мева етиштирилди.

Юқоридаги рақамларнинг ифодаси бугунги кунда файзли бозорларимизда, халқимиз дастурхонининг тўкинлигида кўриниб турибди.

### ОТАБЕК ЮРГАН ЙЎЛЛАР...

Яқинда фарғоналик бир ҳамкасбимиз ўғлини уйлантирди. Тўйга бормасак бўлмас, деб икки-уч ўртоқ тўйга отландик. Йўлда бизга фарғоналик Маҳмуд ҳожи ҳамроҳ бўлди. У киши саксондан ошган.

Қамчиқ довонида ўтаётганда “Ўткан кунлар” фильмидаги Отабек кўз олдимда гавдаланади. ...Қишнинг изғиринли кунлари Марғилондан қайнотасининг уйидан ҳайдалган Отабек маҳзун ҳолда отда Тошкентга қайтмоқда.

Ҳазил аралаш, ҳожи акадан сўрайман. — Отабек Қамчиқ довонидаги қайси йўлдан юрган экан, — дейман.

— Биз кетаётган автомобиль йўлидан юқорида яна бир йўл бўлган, у йўлдан водийга қадимда отда, от-аравада Тошкентга боришган. Лекин йўлнинг айрим жойлари мана шу йўлга ҳам қўшилган. Мен ҳам отам билан болалигимда кўп юрганман. Бувим тошкентлик бўлган. Бу Тошкентга борадиган энг қисқа йўл бўлган. Собиқ Иттифоқ даврида Қирғизистон орқали ҳам юрилган.

Бугунги кунда у ерларда амалга оширилаётган ишларни кўриб ҳайратингиз ошади. Осмонўпар қорли тоғлар орасидан поезд йўли қурилмоқда. Йўлларнинг асосий қисми қурилиб бўлган. Қамчиқсой устидан қурилган кўприкни кўриб ҳайратингиз ошади. Кўприксозлар меҳнатига таҳсин айтасиз. Оппоқ қор билан қопланган тоғлар орасида ҳақиқий мўъжиза яратилмоқда. Ана шундай бунёдкор халқинг билан фахрланасан. Қалбинг ғурурга тўлади. Дунёнинг манаман деган давлатлари ўз халқининг тинчлигини таъминлай олмаётган даврда бундай бунёдкорлик ишларини амалга оширишнинг ўзи бўлмайди. Довондан ўтаётганингизда оппоқ бинога кўзингиз тушади. У гўё учаётган оппоқ лайлакни эслатади. Қизиқишим ортиб бу қурилиш ҳақида ОАВ нималар ёзди экан, дея газеталарни варақладим. Улардан бирида шундай ёзилган:

“Денгиз сатҳидан 2 минг 200 метр баландликда жойлашган Қамчиқ довони бўйлаб қурилаётган Ангрен-Поп янги электрлаштирилган темирйўл линиясидаги бунёдкорлик ишлари жадал давом эттирилмоқда. Лойиҳага кўра, ушбу улкан қурилиш объектида жами 43 миллион куб метр тупроқ, 16,3 миллион куб метр бурғулаш ишлари бажарилиши, 19,1 километрлик туннель, 285 сув ва 6 йўл ўтказгич, 13 темирйўл кўприги, 6 станция ва 2 вокзал бунёд этилиши кўзда тутилган. Бугунги кунгача тупроқ ва бурғулаш ишлари бажарилиб, сув ва йўл ўтказиш иншоотлари, кўприклар қурилиши тугалланди, “Орзу” вокзали, “Кўл”, “Темирйўлобод”, “Қўшминор” станциялари қуриб битказилди”, — деб маълум қилди Ангрен-Поп электрлаштирилган темир йўли қурилиши лойиҳа раҳбари Наврўз Эркинов.

Собиқ Иттифоқ даврида Қамчиқ довонидан Фарғона водийсига темирйўл қурилади, деса ким ҳам ишонарди. **“Ким эдигу, ким бўлдик?”**, деган саволга ана шу улкан ишлар жавоб бўлмайдими?

**Элиас Виммер,
меъмор (Австрия):**

— Ўзбекистонга келишим билан бу ердаги обод ва файзли ҳаёт, одамлар юзида акс этган бахтиёрлик ҳисси менга ҳам кўтаринкилик бахш этди. Шаҳарлар обод, бозорлар тўкин-сочин. Бунёдкорлик, ободончилик авжида. Тошкентнинг осуда хиёбонларида сайр қилиб, мусаффо ҳавосидан нафас олиб тўймаяпман.

### ТАРАҚҚИЁТ ПАРВОЗИ

Қишлоғимиздаги Нарзулла ака 90 ёшга яқинлашди. У киши қишлоғимиздан чиққан биринчи талаба. 1960 йиллари Тошкентдаги чет тиллар институтида таҳсил олган. Яқинда бир тўйда учрашиб қолдим. — Америкага бориб келдим, дейди соқолини силаб. Самолётда 17 соат ичида океан орти давлатида бўлдим. Буям мустақиллик шарофати. Ким ўйлабди, дейсиз қоратошлик Нарзулла Америкага боради, деб. Тўғрисини айтсам, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси дунёдаги энг хавфсиз авиакомпания экан, — дейди у киши.

Бу соҳада қандай ишлар қилинмоқда? Пойтахтимизда “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпаниясининг 24 йиллиги муносабати билан “Boeing” корпорацияси ҳамкорлигида ташкил этилган самолётларнинг композит материалларини таъмирлаш маркази очилиш маросимида **“Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси бош директори В.Тян** ҳамкасбларимизга соҳада қилинаётган ишларни сўзлаб берди.

Тадбирда “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси хизматлари, “Uzbekistan Airways Technics” авиакорхонаси, “Boeing” корпорацияси вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Халқаро авиаташувчилар бозорида етакчилар сафидан жой олган миллий фуқаро авиацияси мамлакатимиз фахрига айланди. Сўнгги 5 йилда авиакомпанияда кўплаб йирик лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилди. Ўрта магистралли Airbus A320 лайнерлари, йўловчи ва юк ташиш учун мўлжалланган янги Boeing-767 самолётларидан мунтазам фойдаланилмоқда. Миллий авиакомпаниянинг Машғулотлар мажмуасида тренажёрлар ва “Full-flight” симулятори ўрнатилган. “Навоий” аэропортида янги юк ва йўловчи терминаллари, Бухоро ва Урганч аэропортларида замонавий терминаллар ишга туширилди. Янги “Тошкент-3” маҳаллий авиайўналишлар аэровокзали ва “Тошкент” аэропортида йўловчилар учун блок фойдаланишга топширилди. Сингапур, Волгоград, Хабаровск, Калининград, Минск шаҳарларига янги йўналишлар очилди. Мамлакатимиздаги халқаро мақомга эга барча аэропортлар реконструкция ва модернизация қилиниб, ишончли ва такомиллаштирилган текширув техникаси билан таъминланди.

### КАМОЛ АКАНИНГ “ЖИГУЛИ”СИ ТЎЙГА БОРАРДИ

Қишлоғимизда Камол акани ҳамма раис деб чақирарди. У киши хўжаликдаги битта бўлимни бошқарарди. (Икки йил бўлди қазо қилганига. Жойи жаннатдан бўлсин.) Обрўли, самимий инсон эди. 80-йиллари қишлоғимизда фақат у кишининг “Жигули”си бор эди. Қишлоғимизда бирон жойдан келин олиб келишмоқчи бўлса ана шу “Жигули”ни 15-20 нафар йигитлар яхшилаб ювардик. Олдига қўғирчоқ боғлаб, капотига қизил бахмал ёйиб, атрофига қизил лента боғлардик. Автомашинага келин билан куёв ва уларнинг янгалари минарди. Куёв боланинг жўралари “Газ-53” усти очиқ машина (кўмир, ўтин ташишга мослашган, уни қишлоқда “бортавой” дейишарди)да келинникига жўнарди.

Бу 80-йилларнинг тўйлари. Бугун-чи. Яқинда қишлоғимизда бир тўйнинг устидан чиқдим. 15-20 та “Ласетти” тўйхона ёнида турна қатор бўлиб турибди.

— Битта келинни олиб келиш учун шунча машина шартми, — дедим.

— Бугунги кунда ҳар бир оилада биттадан автомашина ҳаммани тўйга етказсин деб хизмат қилади-да, — дейди куёвнинг ўртоқларидан бири.

Тўғриси, бундай манзараларни авваллари тасаввуримизга ҳам сиғдира олмасдик. Мустақиллик туфайли меҳнат қилган инсон қишлоқдами, шаҳардами фаровон яшаяпти. Буларнинг барчаси мустақиллик берган имконият эмасми?

**“Ким эдигу, ким бўлдик”**, деган саволга ана шу манзараларнинг ўзи жавоб бўлмайдими? Дунёда 200 дан ортиқ мамлакат бўлса, улардан 28 тасида автомобиль ишлаб чиқарилади. Улар орасида **Ўзбекистон** ҳам бор. Автомобиль саноати узоқ тарихга эга эмас.

Яна бир янгилик бу йил “General Motors — Ўзбекистон” АКда янги “Авто” (Т-250) енгилавтомобилини ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

### ОСМОНДАН ТУШДИМИ ОҚ АТИРГУЛДАЙ ОППОҚ ЛАЙЛАКЛАРИМ ФАРИШТА БЎЛИБ

Сурхондарёлик қўшним Чорибой ака Тошкентдан Термизга ҳафтада икки-уч марта қатнайди. Таксичи. Ёши элликлардан ошган. Қўшнилар яқинда бир тўйда учрашиб қолганимизда у киши шукроналик ҳақида гап-сўз очиб, тинчликнинг қадрига етишимиз кераклиги ҳақида гапириб қолди.

— Ёз кунлари Термиздан кира қиладиган автомашиналар Тошкентга тунда йўлга чиқишади. Кундуз кунлари жазирама ҳар қандай ҳайдовчининг тинкасини қуритади-да, — дейди у.

— Кечга яқин Термизда мижоз кутиб турсам бир йигит келиб Тошкентга олиб боришимни илтимос қилди. Ўзбек бўлса-да, шевасига қараганда ўзимизнинг юртдан эмаслиги сезилиб турарди. Ярим соат кутайлик яна уч кишини оламиз, — дедим.

— Уч кишининг ҳақини ҳам ўзим тўлайман, — деди у. Келишдик. Кейин у билан йўлда суҳбатлашиб кетдик. Исми Муслим экан. Америкада яшайдиган афғонистонлик тадбиркор ўзбек йигити экан. Қарши шаҳридаги милиция пости ёнига “Машинани тўхтатинг. Полиция пункти ёнида машина ичида ухлаймиз. Тонг отса юрамиз”, деса бўладими.

Ёнингда автоматинг ҳам йўқ. Оқшом йўлда икковимизни биров отиб ташласа нима қиламиз”, — деди.

— Ҳеч ким бизни отмайди. Бу ер Афғонистон ёки Америка эмас. Бу юртни Ўзбекистон, — дейди дедим. Шу пайт милиция постидаги ЙПХ ходими келиб нима гап деб ҳужжатларимни сўради. Бердим. Бўлган воқеани айтсам, милиция ходими кулиб “Сени отиб ташламаслигига мен кафил. Кетаверинглар”, — деди.

Йўлга чиқдик. Суҳбатимизни йўлда яна давом эттирдик. Отаси асли афғонистонлик эканини, Туркия, Америкада ресторанлари, дўконлари борлигини айтди.

— Бувим Америкада яшаганда бизга васият қилганди. Ўлсам ўзим туғилган қишлоқдаги қабристонга қўйинглар. Отам-онамнинг ёнига, деганди. Васиятни адо қилолмадик. У ерда уруш бўлиб қабристон ҳам портлатилган экан. Сўнг бувимнинг жасадини Туркияга олиб бориб кўмдик. Ўз юртингда тинчлик бўлмаса, жасадинг ҳам бошқа юртларда қоларкан, — деди йигит ғамгин ҳолда. Отам бир гапни кўп айтади. Одам кўп пул топиши мумкин. Лекин Ватандан чиқиб кетсанг ўзга юртларда ватан тополмас экансан. Пулимиз кўп. Лекин ватангадомиз. Юртимизда омонлик йўқ. Уруш. Хунрезликлар.

Тонгга яқин Тошкентга яқинлашдик. Янгийўлга келганимизда, — ака, қаранг лайлакларни кўраяпсизми? — деди у ҳаяжон билан.

— Бизнинг юртимизда ҳамма жойда лайлакларни учратасиз. Улар тинч жойни яхши кўрадиган қушлар. Бир марта ўқ овози эшитилган жойга қайтиб бормайди, — дедим.

— Олти ойдан бери Афғонистондаман. Бирон жойда лайлак кўрмадим. Амударёнинг бу томонида (Ўзбекистон томонда демоқчи) қушлар галаси орасида гала-гала лайлакни кўриб севиниб кетдим.

Лайлаклар тинч мамлакатларда қўним топади. Кўпаяди. Улар Ўзбекистонда тинчлик рамзига айланган.

*Бир ажиб ҳикмат бор Тошкент*
*тонггида,*
*Бирдан ҳақиқатга дўнар эртаклар:*
*Чиғатойдан пастда, Чорсу ёнида*
*Сайр этиб юрибди оппоқ лайлаклар.*

*Орзулар — уфққа санчилган йўлдай,*
*Қалб ва юрт боракан саришта бўлиб,*
*Осмондан тушдими оқ атиргулдай*
*Оппоқ лайлакларим фаришта бўлиб!*

**Зайниддин МАМАДАЛИЕВ,
“Инсон ва қонун” мухбири**

---

[✓ Анжуман]

# Давлат дастури

## ижросига бағишланди



**АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА навбатдаги матбуот анжумани ташкил этилди. Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган ягона режа ижроси юзасидан ўтказилган тадбир “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурининг қонунчилик асослари” мавзуига бағишланди.**

Учрашувда мазкур Давлат дастурининг мазмун-моҳияти, йўналишлари, унда белгиланган вазифалар кўлами, уларни амалга ошириш учун ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида маълумотлар тақдим этилди.

Анжуман аввалида таъкидланганидек, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласи давлат ижтимоий сиёсатининг стратегик йўналишларидан бири этиб белгиланди. Ўтган йиллар давомида миллат генофондини яхшилаш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ва узоқ умр кўриш даражасини ошириш мақсадида соғлом авлод туғилиши ва унинг тарбияси учун қулай шарт-шароитлар яратишга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, изчил ишлар амалга оширилди. Бунинг самарасида давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган “Соғлом она — соғлом бола” концепцияси халқаро миқёсда ҳам кенг эътироф этилмоқда.

Ўзбекистонда “Соғлом она ва бола йили”, деб эълон қилинган жорий йилда ҳам бу борадаги ишлар изчил давом эттирилиб, янада кенгайтирилади.

2016 йил 9 февралда Президентимиз томонидан “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури тасдиқланди. Унда “Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади” деган ҳаётбахш қадрият ва олижаноб ғояни жамиятимизда теран англаш ва қарор топтириш, оилани, оналик ҳамда болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, жамиятда оналарга алоҳида ҳурмат-эҳтиром муҳитини мустаҳкамлаш, баркамол авлодни тарбиялаш, оила институтини мустаҳкамлашда давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар кўзда тутилган. Оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизлар манфаатларини таъминлаш, кучли, барқарор ва фаровон давлат негизи сифатида оила институтини мустаҳкамлашга йўналтирилган қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқишни мувофиқлаштириш Адлия вазирлигига юклатилган.

Унга асосан, оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёллар манфаатларини ҳимоя қилиш, соғлом болани тарбиялашда уларнинг ролини ошириш, кучли, барқарор ва равнақ топаётган давлатнинг негизи сифатида оила институтини мустаҳкамлашга йўналтирилган қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштиришга йўналтирилган 14 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш назарда тутилган.

Шундан, 4 таси қонун, 9 таси Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси, 1 та идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасидир. Тадбир иштирокчиларига бу тўғрида батафсил маълумот берилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонун лойиҳаси ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг ваколатларини тартибга солишга қаратилган нормаларни белгилаган.

“Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига қўшимча киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси, таркибида генетик модификация қилинган организмлар (ГМО) бўлган истеъмол товарларини олиб кириш ва истеъмол қилишни чеклаш, шунингдек, болаларнинг озиқ-овқатларига ГМОни қўллашга тақиқ киритишга қаратилган нормаларни назарда тутади.

Бундан ташқари, Давлат дастурида болаларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш, соғлом оилада яшаш ва тарбия олиш ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган ва етим болалар ҳамда ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга васийлик (ҳомийлик) белгиланишини рад қилувчи касалликлар тартибини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланган.

Шунингдек, ривожланишида нуқсони бўлган болаларни интернатларга жойлаштиришнинг олдини олиш мақсадида, “Мурувват” болалар интернат-уйлари ҳузурида, бошқа давлат ва нодавлат таълим муассасаларида ривожланишида нуқсони бўлган болаларни оилага ва оилавий муҳитга бўлган ҳуқуқларини, бир вақтнинг ўзида уларнинг реабилитацияси ва ижтимоий мослашувини, комплекс психологик-педагогик, тиббий-социал ёрдам оладиган оилавий маънавий қадриятларни асраб-авайлашни таъминлаш имконини берадиган ногирон болалар учун кундалик парваришлаш марказлари (гуруҳлари)ни ташкил этиш кўзда тутилган.

Матбуот анжуманида дастурнинг бошқа бўлимлари бўйича қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини ишлаб чиқиш юзасидан амалга оширилаётган қонун ижодкорлиги жараёни юзасидан ҳам умумий маълумот берилди. Журналистлар ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишга масъул вазирлик идораларнинг тадбирда иштирок этаётган вакилларига ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилдилар.

Мулоқотларда "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оила институтини янада мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий базани такомиллаштириш юзасидан мутахассислар ва экспертларнинг фикр-мулоҳазалари ҳам ўртага ташланди.

**Адлия вазирлиги
Ахборот хизмати**

---

Ўқув-семинар

# Кенгаш фаолияти такомиллашади

**АҲОЛИНИНГ ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий маърифат соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб бориш адлия органлари зиммасига юклатилган. Бу соҳадаги ишларни мувофиқлаштириб бориш мақсадида Адлия вазири раислигида Идоралараро кенгаш ташкил этилган.**

Хўш, ана шу идоралараро кенгаш фаолияти нималардан иборат? Бу борада Наманган вилоятида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Наманган вилоят адлия бошқармаси томонидан ташкил этилган ўқув-семинарда ана шу масалалар ҳақда атрофлича фикр юритилди. Унда иштирок этган давлат органлари ва жамоат бирлашмалари вакиллари ўз соҳаларида бу борада олиб борилаётган ишлар ва келгуси режалар хусусида тўхталдилар.

Семинарда ҳуқуқий тарғибот ишларини янада такомиллаштириш омилларига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, бу борадаги ишлар салмоғи ва самарадорлигини оширишда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланиш ва улар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш тавсия этилди.

**Абдуҳошим МАДАТОВ,
“Инсон ва қонун” мухбири**

---

[✓ Адлия аралашгач...]

# Ҳуқуқбузарларга

## жарима белгиланди

**СУРХОНДАРЁ вилоят адлия бошқармаси томонидан ўтган 2015 йил давомида белгиланган чора-тадбирлар асосида амалдаги қонунчилик талабларидан келиб чиқиб, тадбиркорлар ва хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонун ҳужжатларининг ижросини назорат қилиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди.**

Хусусан, бошқарма томонидан Ангор туман Ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими фаолиятида 2014 ва 2015 йил мобайнида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш, аниқланган ердан фойдаланишга оид қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан уларга нисбатан маъмурий чораларнинг қўлланилишида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс талаблари ижроси ўрганиб чиқилди ва натижаси бўйича 148 та ҳолатда қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди.

Ўрганишда аниқланган бу ва бошқа шу сингари қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан адлия бошқармаси томонидан Ангор туман Ер ресурслари ва Давлат кадастр бўлимига киритилган тақдимномага асосан, бўлимнинг 39 та маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақидаги қарори МЖтКнинг 330-моддаси асосида ҳаракатдан тугатилиб, қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган бўлим масъул ходимларига "ҳайфсан" интизомий жазо чораси қўлланилди.

Шунингдек, Термиз туманидаги тадбиркорлик субъектларида назорат қилувчи органлар томонидан ўтказилган текширишларнинг қонунийлиги юзасидан амалга оширилган мониторинг давомида Термиз туман Давлат ветеринария бўлими томонидан "Наврўз наслчилик-чорвачилик" мажмуаси, ЯТТлар А.Соатов, С.Қодиров, Б.Норов, Т.Ортиқов, Б.Поянов ва М.Алланазаровлар фаолиятида жами 8 та ҳолатда ноқонуний текшириш ўтказилганлиги аниқланди.

Жиноят ишлари бўйича Термиз туман судининг қарорига асосан туман Давлат ветеринария бўлими масъул ходимлари МЖтКнинг $241^1$-моддаси 1-қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбдор деб топилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдорида жарима белгиланди.

**Бахтиёр ТОЖИЕВ,
Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси
бошлиғининг биринчи ўринбосари**

# Фуқаролик жамияти институтлари:

## Юксак ижтимоий онг ва жамоатчилик назорати

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Бугунги кунда мазкур йўналишда Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг мустақил телерадиоканалларида ҳамда унинг тизимидаги ҳудудий телерадиокомпанияларда эфирга узатилаётган телерадиодастурлари алоҳида аҳамият касб этади.

Жумладан, 2016 йил 31 январда намойиш этилган "Тўғри йўлдан адашганлар" кўрсатувида фуқаролик паспортини тайёрлаш, тарқатиш ишларига масъул шахсларнинг мамлакат тинчлиги, барқарорлигини хавф остига қўйиб, тамагирлик, порахўрлик баъзида эса арзимаган чой-чақа эвазига ҳам ноқонуний равишда фуқаролик паспортини олиш ҳамда рўйхатга қўйиш билан боғлиқ жиноятларни содир этаётгани, Тошкент шаҳри ҳамда вилоятларда қайд этилган бир қатор ҳолатлар мисолида ёритилди.

"Yoshlar" телерадиоканалининг "Мен ва одамлар" эшиттиришида истиқлол йилларида ўзбек тилининг амалда қўлланилиши ниҳоятда кенгайганлиги, ўзбек тилининг изоҳли луғати нашр этилгани, бироқ бугун хонандалар энг ночор, ғариб сўзлардан қўшиқ ясаб олишаётгани, кинофильмларда шевага хос сўзлар ва иборалар ҳаддан ташқари кўпайиб кетгани, турли реклама баннерларидаги хатоликлар, савдо шахобчаларидаги эътиборсизликлар, дид ва савияни юксалтиришда ОАВнинг ўрни катталиги ҳақида фикр юритилди.

"Toshkent" телерадиоканалининг 2016 йил 21 январдаги "Сайёр камера" кўрсатувида Тошкент вилояти Ангрен шаҳридаги коммунал соҳадаги камчиликлар тўғрисида танқидий-таҳлилий фикр-мулоҳазалар билдирилди. Шунингдек, "Нигоҳ", "Очиқ мулоқот", "Қонун доирасида", "Кўзгудаги биз" каби танқидий ва таҳлилий кўрсатувларда ҳамда кўплаб информацион телерадиодастурларда ҳаётда учраб турадиган муаммоли масалалар ёритилиб келинмоқда. Бундай телерадиодастурларнинг доимий эфирга узатилиши жамоатчилик назоратига амалий мисол бўла олади.

Юқорида баён этилганлардан кўриниб турибдики, оммавий ахборот воситалари орқали давлат органлари фаолиятидаги айрим камчилик ва нуқсонлар, қонунбузилиш ҳолатлари рўй-рост айтилмоқда. Шу орқали, оммавий ахборот воситалари жамиятнинг кўзгуси, жамоатчилик фикрини ифода этиш воситаси сифатида энг долзарб муаммолар, баҳс ва мунозарага сабаб бўлгувчи масалаларни жамоатчилик муҳокамасига олиб чиқмоқда.



Хулоса қилиб айтганда, оммавий ахборот воситалари жамоатчилик назоратини амалга оширишда алоҳида фаоллик кўрсатмоқда.

Шунингдек, **Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари** орқали амалга оширилаётган жамоатчилик назоратини эътироф этиш мақсадга мувофиқдир.

Айнан мустақиллик йилларида шаклланган ноёб ва ўзига хос бўлган маҳалла институти жамоатчилик назоратини амалга оширишда ўзига хос ўрин эгаллайди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоатчилик назорати фуқаролар йиғини (унинг комиссиялари) иш режасига асосан ёки фуқаролар йиғини қарори асосида амалга оширилади. Бундай қарор қабул қилиш учун жисмоний ёхуд юридик шахсларнинг мурожаатлари асос бўлиши мумкин.

Жисмоний ёхуд юридик шахсларнинг аноним мурожаатлари жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун асос бўла олмайди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли ҳудуд ёки тегишли ҳудудда яшовчи фуқаролар манфаатларига тааллуқли масалалар юзасидан давлат органларига ёки уларнинг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатига кирувчи масалалар бўйича тушунтириш бериш ёки ўз нуқтаи назарини баён қилишни талаб қилган ҳолда мурожаат қилишлари ёки сўровлар юборишлари мумкин.

Сўровда фуқаролар йиғинининг номи кўрсатилиши, сўровнинг моҳияти баён қилиниши лозим. Сўров фуқаролар йиғини раиси томонидан имзоланади ва тегишли фуқаролар йиғини муҳри билан тасдиқланади. Жамоатчилик назорати натижалари бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тайёрланган қарорлари, таклифлари, хулосалари давлат органлари томонидан мажбурий тартибда ўттиз кун ичида кўриб чиқилади ва натижаси тўғрисида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ёзма равишда жавоб берилади.

Жамоатчилик назоратини амалга оширишда фуқаролик жамиятининг энг муҳим институтларидан бири бўлган **сиёсий партиялар** ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимиздаги демократик янгиланишлар жараёнида мавжуд 4 та сиёсий партия дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда фаол иштирок этиб келмоқда. Айтиш керакки, ҳар бир сиёсий партия ўз электорати манфаатлари нуқтаи назаридан жамоатчилик назоратини амалга оширади. Уларнинг Парламент Қонунчилик палатасидаги фракциялари ёки маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари Давлат дастурларининг ижро этилиши нуқтаи-назаридан турли эшитувларни ўтказиб келмоқда. Ва шу тариқа сиёсий партиялар вакиллари фақатгина мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш билан чекланиб қолмасдан баъзи бир ҳаётий масалаларга ҳукуматнинг эътиборини қаратиб, амалий ечим топилишига ҳиссаларини қўшиб келаяпти.

Иккинчи томондан сиёсий партиялар ўзларининг турли тадбир ва лойиҳалари орқали жамоатчилик назоратини амалга оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган кенг жамоатчиликнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигининг ортишига, ҳуқуқий маданиятининг юксалишига амалий таъсир кўрсатмоқда.

Юқорида келтириб ўтилган жамоатчилик назоратининг 3 та шаклидан ҳам кўриниб турибдики, Ўзбекистонда шаклланган тажриба мамлакатимиз тараққиётида ўзига хос ўринга эга бўлган "учинчи сектор" билан чамбарчас боғланган.

Фуқаролик жамияти институтлари ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланиб, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда.

**Арслон ЭШМУРОДОВ,**
**журналист**

---

**Бурч**

# Йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиш

## ҳайдовчи, йўловчи пиёдадан бирдек масъулият талаб этади

**ТЕЗКОР замонда, юксак ривожланган техника ва технологиялар асрида яшамоқдамиз. Уйда, кўчада, иш жойимизда, таълим муассасаларида деярли ҳамма жойда бизга техника воситалари яқин кўмакчи. Эрта тонгда хизмат, ўқиш ёки бошқа юмушлар билан жамоатчилик сафига қўшиламиз. Уйдан кўчага чиқдикми, ҳаммамиз йўл ҳаракати иштирокчисига айланамиз. Йўлда эса йўл ҳаракати қоидаларига амал қилишимиз шарт.**

Атрофда равон кўчалар бўйлаб ҳаракатланаётган турли русумдаги автотранспорт воситаларининг оқими бирзум тўхтамайди. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Ички ишлар органлари ва тегишли соҳа мутахассислари томонидан ташкилот, корхона ва меҳнат жамоалари ҳайдовчилари, пиёдалар ўртасида профилактик тадбирлар олиб бориш, транспорт воситаларининг техник ҳолатини, йўлларнинг аҳволини яхшилаш ҳамда оммавий ахборот воситаларида тарғибот-ташвиқот ишларини ўтказиш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, ушбу ҳолат билан боғлиқ қоидабузарликларнинг олдини олиш учун тизимда замонавий технологиялардан фойдаланиш йўлга қўйилмоқда. Йўл ҳаракати қоидаларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Мақсад йўл-транспорт ҳодисаларини келтириб чиқарувчи омилларни камайтириш.

Пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонлари йўл ҳаракати иштирокчиси бўлиши мумкин. Албатта, серқатнов кўчаларда доим ҳамманинг иши тиғизлигидан қаёққадир шошилаётганлигини кўрамиз.

Натижада автотранспорт воситалари ҳайдовчиларидан ташқари йўлларда ҳаракатланаётган пиёдалар, йўловчилардан баъзиларининг кўполлиги, эътиборсизлиги оқибатида, афсуски, ўзаро келишмовчиликлар, автотранспорт воситаларининг тирбандлиги келиб чиқиши ҳам таниш манзара. Бу кўриниш аксарият ҳолларда кишиларнинг кайфиятига салбий таъсир этади, асаббузарликларга сабаб бўлади ва ўз-ўзидан рисоладагидек тартибга тушиб қолмайди.

Шуни ҳам айтиш керакки, ҳали-ҳануз баъзи ҳайдовчиларнинг қизил чироқ ёниб турганда ўтиб кетишлари, бурилаётганда ёки тўхтаётганда тегишли чироқларни ёқмасликлари, олдинда кетаётган транспорт воситаси йўл беришини сўраб тўхтовсиз равишда сигнал чалиб, атрофга шовқин-сурон солишлари, бошқаларнинг асабига тегиши йўл ҳаракати иштирокчиларининг норозилигига сабаб бўлади. Тирбандликларни вужудга келтиради. Ёзнинг иссиғида, қишда муз қоплаган йўлда тирбандликда туришни ёки уни пиёда кесиб ўтишни ҳеч ким ҳавас қилмаса керак.

Бундай ҳолатларни шаҳримиздаги Қўйлиқ бозори, Чилонзор буюм бозори, Сирғали туманидаги автомашиналар бозори атрофида, Жанубий вокзал жойлашган ҳудуднинг автотранспорт воситалари қатнайдиган йўл қисмида ва бошқа серқатнов чорраҳаларда кўриш мумкин.

Бошқа бир мисол, аҳолининг узоғини яқин қилаётган айрим такси ҳайдовчилари ҳам йўловчи олиш мақсадида истаган ва тўғри келган жойда тўсатдан тўхташи ҳамиша кутилмаган фавқулодда ҳолатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида ўйламасликлари ҳам уларнинг йўлда юриш маданияти қай даражада эканлигини кўрсатади.

Шунингдек, улардан баъзилари жамоатчилик транспорти тўхтайдиган бекатда истаганча тўхтаб, йўловчи олгунича бошқа транспорт воситаларининг ҳаракатланишига ҳалақит бераётганини билса-да, пинагини бузмайди. Аксинча "айланиб ўтавермайсанми", — деб иддао қилиб, маслаҳат ҳам бериб қўяди.

Яна баъзи бир ҳайдовчилар эса ҳаракатланиб кетаётган автотранспорт воситаси салонида мусиқани баланд қилиб қўйиб қўшиқ "оғушида" атрофни эшитмайдилар. Натижада ҳар хил кутилмаган вазиятлар содир бўлмайди, деб ким кафолат бера олади?

Шундай пиёдалар борки, йўлни кесиб ўтаётганда ҳам тинмай қўл телефонида гаплашади, қоидага риоя этмаётганлигини билса-да ҳаракатланишни давом эттиришлари ҳайдовчиларнинг асабига тегади, натижада у кетма-кет сигнал чалади, шовқин кўтаради. Бошқа бир йўловчиларнинг хурмача қилиқлари бундан ҳам ошиб тушади, улар қулоқларига мусиқа тинглаш мосламаларини ўрнатиб автотранспорт ҳайдовчиларини эшитмай, турли чақириқларни писанд қилмай ўтиб бораверадилар.

Шуни таъкидламоқчимизки, модомики, гап ҳаракатланиш маданияти ҳақида кетар экан, кўчада йўловчилар, пиёдалар, ҳайдовчилар ҳамда болалар томонидан Йўл ҳаракати қоидалари тўғрисидаги билимлар ва ҳаракатланиш маданиятини эгаллаш ўзаро уйғунликда олиб борилса, ҳар бир инсоннинг инсоний ҳурмати бўлса ижобий натижага, тартибга эришиш мумкин бўлади.

Бунинг учун эса йўлларда ҳаракатланишда айрим ҳайдовчи ҳамда йўловчилардаги қўпол иллатларни бартараф этишда барча фуқаролар бир тану бир жон бўлиб ўрнатилган қонун-қоидаларга, тартиб, ахлоқ-одоб, маданият нормаларига риоя этиб ҳаракатланишлари кўзланган мақсад сари олиб боради.

**Мирзаумар ХАЛИЛОВ,**
**ИИВ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси ходими**

---

**Эгри йўлнинг тўқмоғи**

# Ҳаёсизлик жазосиз қолмас

**МИЛЛАТИМИЗГА хос тарбия, ибо ва ҳаё ҳамиша энг улуғвор фазилат, олий кўрк бўлиб келган. Шу боисдан ҳам ёшларимизнинг маънавий онггига мазкур хислатларни чуқур сингдириш, уларни беҳаё ва маънавиятимизга зид тушунчалардан асраш ҳамиша долзарб бўлиб келган.**

Ахборот технологияларининг ҳаётимизга шиддат билан кириб келиши натижасида исталган ахборотни ҳеч қандай тўсиқларсиз қўлга киритиш имконияти ортиб бормоқда. Афсуски, мазкур қулайликдан жирканч мақсадларда фойдаланишга уринаётганлар ҳам йўқ эмас. Хусусан, беҳаё мазмундаги фото ва видео материалларни ўз қўл телефонларига юклаб, ташиб юрувчиларни ҳам ана шундай кимсалар сафига қўшиш мумкин.

Беҳаё томошага мойиллик эса эс-ҳушини йиғиб олмаган айрим юртдошларимизнинг жавобгарликка тортилишига сабаб бўлмоқда. Бундай мазмундаги материалларнинг юртимиз ҳудудига олиб кирилишининг олдини олиш борасида республикамиз божхоначилари томонидан доимий чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

Жумладан, "Олот" чегара божхона комплекси орқали кириб келган юк автотранспортининг ҳайдовчиси, эронлик Ж.Ҳолид *(мақоладаги барча исм-шарифлар ўзгартирилган)* ўзининг уяли телефон аппарати хотирасида порнографик, хусусан, вояга етмаган шахслар иштирокидаги беҳаё мазмундаги 3651 дона фото сурат ва 45 дона видеолавҳани Ўзбекистон Республикасига олиб кираётган пайтда тўхтатиб қолинди.



Мазкур комплекс ходимлари туркманистонлик Ж.Исматжоновнинг ҳам қўл телефони хотирасида порнографик мазмундаги 18 дона фото ва 134 дона видеолавҳаларнинг олиб кирилишига чек қўйишди.

Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг "Келес" темирйўл божхона пости ходимлари томонидан ҳам шу турдаги бир нечта қонунбузарлик ҳолатларининг олди олинди.

Жумладан, "Челябинск — Тошкент" йўналишидаги поезд йўловчиси Б.Асилов қўл юклари орасидаги "Lenovo" номли ноутбук хотирасида 372 дона беҳаё мазмундаги суратларни яширин тарзда олиб киришга урингани фош этилди.

Худди шу йўналишда кириб келган поезднинг яна бир йўловчиси, россиялик С.Петровнинг мобил телефони хотирасида эса фаҳш тасвирланган 626 дона фото ва 14 дона видео материаллар борлиги аниқланди.

"Тошкент — Москва" йўловчи поезди билан юртимизга кириб келган сурхондарёлик А.Хидировнинг қўл юклари орасидаги 2 Тб хотирага эга бўлган ташқи хотира қурилмасида (винчестр) 121 та порнографик мазмундаги фотосурат ва видеороликлар борлиги маълум бўлди.

Ҳуқуқбузарлар орасида аёлларнинг ҳам борлиги ачинарли ҳолат. Жумладан, Андижон вилояти божхона бошқармасининг "Дўстлик" чегара божхона комплекси ходимлари томонидан Қирғизистон Республикасидан кириб келган фуқаро А.Зуфарованинг қўл юклари божхона назоратидан ўтказилганда, унга тегишли бўлган планшет хотирасида 57 дона беҳаёликни тарғиб қилувчи видеолавҳа борлиги аниқланган.

Андижон аэропортида эса божхоначилар "Москва — Андижон" йўналиши бўйича учиб келган фуқаро К.Шодиевага тегишли мобил телефонни холислар иштирокида кўздан кечиришганида, телефон хотирасига беҳаёликни тарғиб этувчи видеороликлар жойланганлиги маълум бўлди.

"Тошкент-Аэро" ихтисослаштирилган божхона комплекси ходимлари томонидан "Москва — Тошкент" рейси бўйича парвозини якунлаган Ф.Игорованинг қўл юклари божхона кўригидан ўтказилганда, унда йўловчи божхона декларациясида кўрсатилмаган ва божхона ходимининг оғзаки сўрови пайтида маълум қилинмаган 1 дона смартфон яширинча олиб ўтилаётганлиги аниқланган. Смартфон холислар иштирокида кўздан кечирилганда эса унинг хотирасида 109 дона беҳаё мазмундаги видеолавҳа борлиги фош бўлди.

Ҳозирда юқоридаги ҳолатлар юзасидан божхона суриштирувлари олиб борилмоқда.

Таъкидлаш жоиз, республикамиз божхоначилари томонидан ўтган 2015 йил давомида 6051 дона беҳаё мазмундаги материалларнинг олиб ўтилишига чек қўйилди.

**Давлат божхона қўмитаси**
**Ахборот хизмати**

---

## Эълонлар

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 21.01.2016 йилдаги 26-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "TANDEM SERVIS" адвокатлик фирмасининг адвокати Нормухамедов Тулкунга нисбатан суднинг уни жиноят содир этишда айбдор деб топиш ҳақидаги айблов ҳукми қонуний кучга кирганлиги сабабли унга 05.06.2009 йилда берилган TN №000611 сонли адвокат мақомини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг ва 09.04.2013 йилда берилган 2580-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

* * *

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 25.01.2016 йилдаги 29-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "DEFENCE AND VIKTORIA" адвокатлик фирмаси адвокати Наберaев Файёз Исмаиловичга бошқарма томонидан 10.10.2013 йилда берилган адвокатлик мақоми адвокат томонидан уч ойдан ошмайдиган муддатда амалга ошириладиган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этилгунига қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунига қадар бўлган давргача тўхтатилди.

* * *

Олий малака комиссиясининг 25.12.2015 йилдаги 7-сонли баённомаси ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 25.01.2016 йилдаги №30-ш/т-А-сонли буйруғига асосан бошқарманинг 2015 йил 8 сентябрдаги 358-ш/т-А-сонли буйруғининг "ARBITRIUM LIBERUM" адвокатлар ҳайъати адвокати Муйдинов Одилжон Илясхановичга Тошкент вилоят адлия бошқармаси томонидан 30.08.2012 йилда берилган TN-000374 сонли адвокат мақомини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилган қисмига ўзгартириш киритилиб, Муйдинов Одилжон Илясхановичга Тошкент вилоят адлия бошқармаси томонидан 30.08.2012 йилда берилган TN-000374 сонли адвокат мақомини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тикланди.

* * *

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 28.01.2016 йилдаги 34-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "PRIVILEGIUM" адвокатлар ҳайъати адвокати Файзурахманов Ирик Муллахматовичга бошқарма томонидан 15.07.2009 йилда берилган адвокатлик мақоми адвокат томонидан уч ойдан ошмайдиган муддатда амалга ошириладиган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этилгунига қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунига қадар бўлган давргача тўхтатилди.

* * *

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 04.02.2016 йилдаги 41-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "HAMZA ADVOKATLARI" адвокатлар ҳайъати адвокати Пискентбаева Клара Тагаймуратовнага бошқарма томонидан 10.07.2009 йилда берилган адвокатлик мақоми адвокат томонидан уч ойдан ошмайдиган муддатда амалга ошириладиган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этилгунига қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунига қадар бўлган давргача тўхтатилди.

* * *

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 08.02.2016 йилдаги 46-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "ERKIN HIMOYA" адвокатлик фирмаси адвокати Жумакулов Иброхим Усмановичга бошқарма томонидан 30.06.2009 йилда берилган адвокатлик мақоми адвокат томонидан уч ойдан ошмайдиган муддатда амалга ошириладиган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этилгунига қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунига қадар бўлган давргача тўхтатилди.

* * *

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 09.02.2016 йилдаги 49-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "XIMOYA MANBAI" адвокатлар ҳайъати адвокати Машарипов Хусайинбой Раимовичга бошқарма томонидан 14.02.2013 йилда берилган адвокатлик мақоми адвокат томонидан уч ойдан ошмайдиган муддатда амалга ошириладиган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этилгунига қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунига қадар бўлган давргача тўхтатилди.

* * *

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 10.02.2016 йилдаги 51-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "APRIORI LIBERUM" адвокатлар ҳайъатининг адвокати Махкамов Мансур Мухтаровичга нисбатан суднинг уни жиноят содир этишда айбдор деб топиш ҳақидаги айблов ҳукми қонуний кучга кирганлиги сабабли унга 11.06.2009 йилда берилган TN №000849 сонли адвокат мақомини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг ва 10.07.2009 йилда берилган 898-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

* * *

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 10.02.2016 йилдаги 52-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "ARBITRIUM LIBERUM" адвокатлар ҳайъати адвокати Худайбердиева Мухтабар Мансуровнага бошқарма томонидан 30.06.2009 йилда берилган адвокатлик мақоми адвокат томонидан уч ойдан ошмайдиган муддатда амалга ошириладиган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этилгунига қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунига қадар бўлган давргача тўхтатилди.

---

Жиззах вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 24 февралдаги 6-А-сонли буйруғига асосан Жиззах шаҳридаги "Намунали адвокатлар" адвокатлик ҳайъати адвокати Файзуллаев Садридин Хайдаровичга 2012 йил 3 сентябрда берилган GZ 000115-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия ҳамда 2012 йил 6 ноябрда берилган 156-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши, унинг вафот этганлиги муносабати билан тугатилди.

---

Жиззах вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 20 февралдаги 5-А-сонли буйруғига асосан Бахмал туманидаги "Қуёшбек ҳимоя" адвокатлик бюроси адвокати Имомкулов Синдор Мирзаевичга бошқарма томонидан 2009 йил 4 июнда берилган GZ 000037-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия ҳамда 2009 йил 21 октябрда берилган 082-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши тугатилди.

---

Жиззах вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 25 февралдаги 7-А-сонли буйруғига асосан Бахмал туманидаги "Қуёшбек ҳимоя" адвокатлик бюросига бошқарма томонидан 2009 йил 20 октябрда берилган адвокатлик тузилмасининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги GZ 000026 рақамли гувоҳноманинг амал қилиши тугатилди.

---

Самарқанд вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 20 февралдаги 51-ум-сонли буйруғига асосан Самарқанд шаҳридаги "SAMARQAND QONUNCHILARI" адвокатлар ҳайъатининг адвокати Холикулов Амир Худайбердиевич вафот этганлиги сабабли унинг номига бошқарма томонидан 2014 йил 6 майда берилган SA 000445-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.

---

Қашқадарё вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 16 февралдаги буйруғига асосан Қарши шаҳридаги "Фемида" адвокатлик бюроси адвокати Узоков Улаш Ҳужамқуловичга бошқарма томонидан 2009 йил 19 июнда берилган KS 000045-рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия ва 35-сонли адвокатлик гувоҳномасининг ҳамда Китоб туманидаги "Ҳақиқат қалқони" адвокатлик бюроси адвокати Мирзаев Ахат Шароповичга бошқарма томонидан 2009 йил 25 июнда берилган KS 000110-рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия ва 289-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши 3 ой муддатга тўхтатилди.

## Ҳуқуқий маслаҳатхона



**— ОИЛАДА уч фарзандмиз. Учаламиз ҳам оилали, ўзимизнинг алоҳида уйимиз бор. Ота-онам оламдан ўтгач, уларнинг уйига укам даъвогарлик қилди. Аммо ўртанча укам ҳам ушбу уйга меросхўр эканлигини айтди. Айтинг-чи, мерос ҳуқуқи нима ва бу жараён амалдаги қонунчилигимизда қандай аксини топган?**

**Ш.ҚОДИРОВА, Янгийўл тумани**

— Мерос одатда фуқаронинг ўлими ёки суд томонидан вафот этган, деб эълон қилиниши оқибатида очилади. Мерос очилган пайтда мерос қолдирувчига тегишли бўлган, унинг ўлимидан кейин ҳам бекор бўлмайдиган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар мерос таркибига киради.

Мерос қолдирувчининг болалари, шу жумладан, фарзандликка олинган болалари, эри, хотини ва ота-онаси (фарзандликка олувчилар) тенг улушларда қонун бўйича биринчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар. Мерос қолдирувчининг вафотидан кейин туғилган болалари ҳам биринчи навбатдаги ворислар жумласига киради.

Демак, ота-онадан қолган ушбу уйга нисбатан учала фарзанд ҳам меросхўр ҳисобланади.

* * *

**— Ёлғиз яшайдиган қўшним билан умрбод таъминлаш шарти билан турaржойидан фойдаланиш шартномасини тузишга келишиб олдик. Баъзан шу хусусда келишмовчиликларга ҳам дуч келаяпман. Айтинг-чи, мен бу турaржойдан фойдаланишда қандай ҳуқуқларга эгаман?**

**Ж.ЭГАМОВ, Янгийўл тумани**

— Уй-жой кодексининг 122-моддасига асосан умрбод таъминлаш шарти билан уйни, квартирани бошқа шахсга бериш шартномасини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш Фуқаролик кодексининг қоидаларига мувофиқ тарзда амалга оширилади.

Умрбод таъминлаш шарти билан уйни, квартирани бошқа шахсга бериш шартномасининг предмети бўлган турaржойдан фойдаланиш шу шартнома шартларига мувофиқ бўлиши назарда тутилган.

Шартномада турaржойдан фақат турaржойни бошқа шахсга бераётган ва уни олаётган шахс фойдаланиши назарда тутилиши, турaржойдан фойдаланиш тартиби белгилаб қўйилиши ёки белгиланмаслиги ёхуд турaржойни фойдаланиш учун учинчи шахсга бериш ёки қонун йўл қўядиган бошқача усулда фойдаланиш белгиланган.

**Саволларга Янгийўл туман 2-сон давлат нотариал идораси нотариуси Аҳмад ХУДОЙБЕРДИЕВ жавоб берди.**

Жараён

# Мурожаатга бўлган лоқайдлик

## жавобгарликка сабаб бўлди

**МАЪЛУМКИ, 2014 йил 3 декабрда "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди.**



Ушбу қонун ҳужжати юртимиз аҳли ва давлат ташкилотлари орасидаги муносабатларни янада такомиллаштириш, улар ўртасидаги баҳамжиҳатликни кучайтириш, ўзаро алоқаларни юқори босқичга олиб чиқиш, бир-бирини англаш ва тушунишга қарата соф, тиниқ ва мусаффо муҳит яратилишини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлайди. Шунингдек, омма ва давлат ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилувчи ўзига хос ва мос ишончли кўприк вазифасини ўтайди.

Жиноят ишлари бўйича Хонқа туман суди ўтган йили жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига юзаки муносабатда бўлган айрим мансаб эгаларининг хатти-ҳаракатларига оид бир қатор маъмурий ишларни кўриб чиқди.

Хусусан, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига оид қонун талабларини қўпол тарзда бузиш ҳолатлари юзасидан туман ҳокимлигининг айрим масъул ходимларига нисбатан ваколатли органлар тарафидан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда белгиланган меъёрлар доирасида 3 та маъмурий иш қўзғатилиб, суд муҳокамасига ҳавола этилди. Масалан, Хонқа туман ҳокимининг қурилиш ва ободонлаштириш масалалари билан шуғулланувчи масъул ходимига нисбатан маъмурий иш қўзғатилди. Чунки ушбу мансабдор шахснинг мурожаатларга бўлган эътиборсизлиги туфайли қонун талаби бузилган. Оқибатда тумандаги "Муяссар Бону" деҳқон хўжалиги раҳбари Б.Отажонов, Навхос қишлоғида яшовчи фуқаро Қ.Хўжаев, туман марказида истиқомат қилувчи О.Абдуллаев, "Намуна" қишлоғи фуқароси З.Жуманиёзовларнинг аризалари ора йўлда қолиб кетган. Яъни, уларнинг мурожаатларига ёзма равишда жавоб берилмасдан, аризаларда кўтарилган масалалар ўрганилмай қолдирилган.

Мурожаатларга нисбатан шу сингари номуносиб муносабат тумандаги қатор фуқаролар йиғинларида ҳам қайд қилинди. Хусусан, ўтган 2015 йилда мавжуд фуқаролар йиғинларининг 6 нафар раҳбари маъмурий жавобгарликка тортилди.

Шунингдек, туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори бирйўла иккита жиддий ҳуқуқбузарликка йўл қўйган. Жумладан, икки йиллик бола парвариши таътилидан сўнг ўз ишига қайтиш истагини билдирган И.Ниёзматованинг аризасини умуман қараб чиқмаган. Қолаверса, ушбу ёзма мурожаат махсус дафтарга қайд этилмаган. Натижада мурожаат муаллифининг ўз ишига қайтиш бўйича меҳнат қонунчилигида белгилаб қўйилган ҳуқуқлари вақтинчалик бўлса-да, поймол этилган.

Дарҳақиқат, қайд этилган қонунбузилиш ҳолатларини ўрганиш ва уни суд йўли билан қараб чиқиш жараёнида ҳужжатларда аксини топган қусурлар тўла барҳам топди. Унга йўл қўйган мутасаддилар эса айбига яраша қонуний жазо олдилар.

**Яшин БОЛТАЕВ,**
**жиноят ишлари бўйича**
**Хонқа туман суди раиси**

## Эълон

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига**
**ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ҚАЙТА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**Бухоро вилояти**
Олот туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Жиззах вилояти**
Бахмал туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Янгиобод туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Қашқадарё вилояти**
Қарши шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қарши шаҳар 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Косон туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Муборак туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Навоий вилояти**
Томди туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Учқудуқ туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Наманган вилояти**
Норин туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Чортоқ туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Учқўрғон туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Янгиқўрғон туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Туракўрғон туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Сурхондарё вилояти**
Термиз шаҳар 4-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Сариосиё туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Бойсун туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Музработ туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Узун туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

*1. Комиссия номига ариза;*
*2. Паспорт нусхаси;*
*3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;*
*4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;*
*5. Олий юридик маълумот тўғрисидаги дипломнинг нотариал тасдиқланган нусхаси;*
*6. Талабгорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимида уч йил мобайнида ишламаган талабгорлар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма);*
*7. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.*

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик матахассислик бўйича камида уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

**(Ҳужжатларни тақдим этишнинг охирги санаси 2016 йил 14 апрель) Ҳужжатлар Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари орқали тақдим этилади.**
**Телефонлар: (0-371) 236-78-52, 233-44-48.**

Талаба талқини

# Ким айбдор?

**"ҚАЧОН технологиялар ҳақиқий дийдор ўрнини босса авлодларнинг энг ақлсизига эришган бўламиз" деган эди Алберт Эйнштейн. Афсуски, физика доҳийси айтган ўша ақлсизлик сари ўз хоҳишимиз билан олға югураяпмиз. Меҳримизни инсонларга эмас технологияларга бераяпмиз. Табиийки, оқибат ўзимиз ҳам меҳрни инсонларнинг интернетдаги қиёфаларидан қидираяпмиз. Ахир қандай қилиб инсондан қизғанган меҳрни қандайдир темир-терсакларга кўрсатиш мумкин?!**



Президентимиз таъкидлагани каби "Бугунги кунда мафкура полигонлари ядро полигонларидан-да хавфлироқдир".

Дарҳақиқат, ядро полигонлари фақатгина мўлжаллаб отилган маълум бир ҳудуднигина яксон қилади. Мафкура полигонларининг эса мўлжалланган чегараси йўқ. У ёшларнинг вакуум ҳолатида бўлган онгини касаллик каби емириб боради. Касалликка қарши курашда бизга иммунитет аталмиш халоскор ёрдамга келади. Ёт мафкураларга қарши туришда-чи? Бунда биз нимага суянамиз? Нимага ишониб бунга қарши турамиз? Албатта, алла ила қалбимизга, руҳиятимизга сингган ўзлигимизга. Бувимиз айтиб берган эртаклардаги эзгуликка. Бобомиздан эшитган ҳикматлардан олган улгуга. Отамизнинг берган тарбиясига. Бу ўринда аждодларимиздан ўрнак олган яхши фазилатларимиз бизни қалқон каби ҳимоя этади.

Бироқ оналар алла айтмай қўйса, бувилар эртак сўзламаса, боболаримиздан ҳикматлар эшитмасак, оталаримиздан етарлича тарбия ололмасак унда нима бўлади? Иммунитетимиз заифлашиб осонгина дардга таслим бўлмаймизми? Қўлимиздаги қалқонсиз, душмандан қай тариқа ҳимояланамиз?

— Бугунги кунда ростдан ҳам интернетнинг салбий ва ижобий томонлари мавжуд. Устоз сифатида айтишим мумкин-ки, ҳақиқатан ҳам интернет олтиндан-да қимматли вақтимизни ўғирламоқда. Лекин ёшларда маълумот олишга қизиқиш жуда кучли. Улар ҳар бир имкониятдан фойдаланишга ҳаракат қилишади. Ижтимоий тармоқлардан фойдаланганда ўзлари учун суҳбатдош топишади. Демак, улар ўша вақтда ўзларини ёлғиз ҳис қилишади. Бунинг олдини олиш учун эса ота-оналар болаларига кўпроқ вақт ва меҳр ажратишлари зарур. Мен ҳеч қачон ёшларга интернетдан фойдаланишни тақиқлаб қўймаган бўлардим. Албатта, дарсдан ташқари вақтда. Чунки бугунги кунда энг катта маълумот омбори интернет ҳисобланади. Бундан ташқари, интернет орқали узоқ жойдаги яқинларимиз ҳолидан хабар олишимиз мумкин. Бу эса ташвишимизни анча камайтиради", — дейди ЎзДЖТУ инглиз тили ўқитувчиси Навруза Яхяева.

— Интернет инсоният яратган энг буюк кашфиёт. Ҳамма кашфиётлар сингари интернетнинг ҳам ўзига хос салбий ва ижобий томонлари бор. Интернетнинг ижобий томонларидан кўз юмиб, фақат салбий томонларини гапириш яхши эмас. Тўғри, интернетда ёшларимизга, уларнинг тарбиясига ёмон таъсир кўрсатадиган нарсалар жуда кўп тарқалган. Лекин интернетнинг эшиги йўққи унга қулф солиб бўлса. Бунинг бир ечими сифатида олимлар, устозларимиз аудитория, яъни одамларни интернетдан фойдаланиш маданиятини шакллантириш, деб билишади. Интернетни ёмонлаш, қоралаш, ундан воз кечишга чақиришдан кўра, ундан фойдаланишни самарали йўллари ҳақида кўпроқ гапириш керак. Медиа тарбияда, медиа таълимда ота-онанинг роли жуда катта. Аввало, ота-оналар ўзлари интернетдан қандай фойдаланишни, фарзандлари фойдаланаётганда қандай назорат қилишни билишлари керак. "Интернетга кирма", дея тўсиқ қўйиш ёшларнинг интернетга нисбатан қизиқишларини янада кучайтириши мумкин, — дея таъкидлади журналист Саидазиз Аъзамов.

Ўзингизга савол бериб кўринг-чи? Интернетдан тўғри фойдаланиш йўлларини болаларингизга қачон ўргатгансиз? Шунчаки, интернетдан фойдаланишни чеклаб қўя қоламиз холос. Ўша ёт ғояларга қарши етарлича тарбия бера оляпмизми, ўйлаб кўрмаймиз. Ота — менинг вазифам пул топиш. Тарбия билан она шуғулланиши керак", деса. Она эса "мен уй юмушларидан ортмасам. Аёл кишининг вазифаси уйни саранжом тутиш. Тарбия билан эса ота шуғулланиши керак, деб турса, бола тарбияни кимдан олсин? Йиллар ўтиб фарзанд бебош бўлиб ота-онасининг юзини шувут қилганда, айб шундоққина, биздан беминнат хизматларини аямайдиган техника-технологиялар бўйнига, "қилган беминнат хизматлари учун" медал сингари осиб қўйилади. Бола ўзимиз беришни истамайдиган меҳрни, тарбияни интернетдан излаши эса хаёлимизнинг бир четидан ҳам ўтмайди. Бу ҳақда Абдулла Авлоний шундай дейди: "Тарбия биз учун ё ҳаёт-ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир". Тарбияни фақатгина қуруқ сўз билангина эмас, балки ўзимиз амалда исботлаб кўрсатмоғимиз керак. Зеро, халқимизда мавжуд "Минг бора эшитгандан бир бора кўрган афзал" ёки "Қуш инида кўрганини қилади" каби мақоллар бежиз эмас. Тарбия ва насиҳатда ҳам меъёрни билмоқ керак. Севимли ёзувчимиз Ўткир Ҳошимов "Дафтар ҳошиясидаги битиклар" китобида шундай деб ёзади: "Насиҳат лимон мевасига ўхшайди. Бир-икки бўлаги одамга хуш ёқиб роҳат бахш этади. Кўпи эса кўнгилни беҳузур қилиб ўзидан бездиради".

Инсоният доимо янги нарсаларни танқид чиғириғидан ўтказиб келган. Интернет ҳам бундан мустасно бўлиб қолаётгани йўқ, албатта. Ҳозирда биз учун қадрдон бўлган қоғоз янги ўйлаб топилган даврларни ёдга олайлик. Ўшанда қоғоз ҳамда қаламдан фақат яхшилик йўлида фойдаланилган деб айта олмаймиз. Шу оқ қоғозларга яхши сўзлар ҳам, ёмон сўзлар ҳам бирдек ёзилган. Ўшанда қоғозлар орқали ҳам инсоният учун зарар бўлган ғояларни тарқатишган. Интернетдан, нафақат интернет, балки бошқа ҳар қандай нарсадан ҳам тўғри фойдалана билган одамгина унинг яхши тарафларини кўра олиши мумкин. Шундай экан, бизга беминнат ёрдамчи бўлмиш интернетдан фойдаланиш этикасини аввал ўзимиз ўрганиб, сўнгра авлодларимизга ўргатмоғимиз лозим.

**Азизжон ҚОДИРОВ,**
**ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси**

Реклама

Ҳурматли юртдошлар!

ASAKA BANK

**"Асака" банк жамоаси**

**Сизларни "Наврўз" байрами билан чин юракдан муборакбод этади!**
**Юртимиз янада обод ва халқимиз ҳаёти бундан-да фаровон бўлсин!**
**Дастурхонлардан қут-барака, турмушингиздан файз аримасин азиз ватандошлар!**
**Жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин ва салоҳиятга эга бўлган Ватанимиз янада гуллаб-яшнайверсин!**
**Байрам муносабати билан қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этамиз:**

**"НАВРЎЗ — 2016"**

*Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 18 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.*



**Шу билан биргаликда, "Асака" банк миллий валютада 29 турдаги ва хорижий валютада 17 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин. Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.**

| Филиаллар | Код | Телефонлар | Филиаллар | Код | Телефонлар |
|---|---|---|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 | Наманган вилоят филиали | 369 | 227-15-68 |
| Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 | Навоий вилоят филиали | 436 | 770-21-29 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 | Зарафшон филиали | 436 | 572-40-14 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 | Бухоро вилоят филиали | 365 | 770-05-19 |
| Сирғали филиали | 371 | 257-44-10 | Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 | Самарқанд вилоят филиали | 366 | 233-65-47 |
| Андижон вилоят филиали | 374 | 223-60-74 | Афросиёб филиали | 366 | 221-71-76 |
| Асака филиали | 374 | 233-21-99 | Қашқадарё вилоят филиали | 375 | 221-07-41 |
| Фарҳод филиали | 374 | 226-96-63 | Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 770-82-12 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 | 244-39-14 | Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-59 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-62-23 | Хоразм вилоят филиали | 362 | 228-14-81 |
| Олтиариқ филиали | 373 | 432-19-80 | Сирдарё вилоят филиали | 367 | 225-44-03 |
| Қўқон филиали | 373 | 542-61-01 | Жиззах вилоят филиали | 372 | 226-43-11 |

**Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.**

**Сизнинг омонатларингиз:**
- *солиқ ва мажбурий тўловлардан озод!*
- *маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!*
- *эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!*
- *миқдори чекланмаган!*

**"Асака" банк — сармоянгиз сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!**

www.asakabank.com

Хизматлар лицензияланган.

**ИНСОН ва ҚОНУН**

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
www.minjust.uz

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

ISSN 2010-7897

Бош муҳаррир Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Усманов Анвар Акрамович
Мамадалиев Зайниддин Очилович
Очилов Алижон Мухлисович
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Навбатчи Ёрбек ИСКАНДАРОВ
Саҳифаловчи-дизайнер Тўлқин РАУПОВ

Нашр индекси: 137
"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 4 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида "Ўзбекистон" нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй.
Ушбу сонда ЎзА суратларидан фойдаланилди.

Тиражи — 22999.
Буюртма S-5395.
Топшириш вақти — 19:00
Топширилди — 19:00

МАНЗИЛИМИЗ:
100192, Тошкент ш.
Буюк Ипак йўли кўчаси-1.
Тел: 268-19-74,
Факс: 268-19-31
Обуна бўлими: 268-19-97

Баҳоси келишилган нархда
1 2 3 4 5